

УЎК: 634(075)

**МИРЗАЧЎЛ ТУПРОҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТИДА МЕВАЛИ БОҒЛАР
ЯРАТИШДА НАВЛАР ТАНЛАШНИ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ**

М.А.Тўрақулов,

Гулистан давлат университети

С.Я.Исломов

Тошкент давлат аграр университети

Ф.М.Хўжақулов

Гулистан давлат университети

Мақолада Мирзачўл воҳаси боғдорчилигининг бугунги аҳволи, ундағи ютуқ ва муаммолар, табиий тупроқ-иқлим шароити, мевали дараҳт навларининг ҳосилдорлиги устида олиб борилган тадқиқот ишлари ва кузатишла рнатижаларига асосланган ечимлар ва тавсиялар. Ҳозирги кунда ҳамкорликда Сирдарё вилояти тупроқ-иқлим шароитида самарали мевали боғларни ташкил этиши ва етишиширилган мева маҳсулотларига асосланган қайта ишлаш корхоналарини бунёд этиши, имкониятлари хусусида фикрлар юритилган. Тадқиқотлардан олинган натижаларни келтириши билан бирга мазкур йўналишдаги олиб борилаётган давомли илмий изланишиларнинг мақсад ва йўналишии айтиб ўтилган.

Калим сўзлар: Мирзачўл, тупроқ, мевалар, навлар, шўрланган, ҳосил, боғдорчилик, узумчилик, тупроқ-иқлим, қайта ишлаш.

Кириш. Республикаиз истиқлолга эришгандан сўнг, айниқса сўнгги ўн йилликда боғдорчилик ва узумчиликни барча имкониятлардан фойдаланиб ҳар томонлама ривожлантириш юзасидан йирик режадаги ишлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда пахта якка ҳукумронлиги даврида ҳалқ селикцияси йўли билан яратилган мева ва узумнинг кўплаб ўта ноёб навлари йўқолиб кетганлигини соҳадаги тиклаш мушкул бўлган йўқотиш деб қабул қилиш мумкин. Шунга қарамай Мамлакатимиз ва қўшни республикалар ҳудудида сақланиб қолган маҳаллий маҳсулдор навларни излаб топиш ва уларни кўпайтириб она боғлар яратиш мевачилик ва узумчиликни янада барқарор соҳага айлантиришдаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Айниқса Ўзбекистон республикаси призидентининг 2016 йил 12 апрелдаги “Мева-сабзовот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида” эълон қилинган қарори мамлакатда соҳани ҳар томонлама ривожлантириш учун имконяtlар эшигини очиб берди дейиш мумкин.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида юқори самарадорликка эришиш учун ҳудуднинг табиий ва ижтимоий муҳитини этиборга олиш билан ташкил этиш соҳадаги муаммоларни ҳал этиш муҳим ўрин тутади. Мирзачўлнинг тупроқ ва иқлим шароитини ўрганиш устида олиб борилган илмий-амалий тадқиқотлар, кузатишлар натижасидан тупроқ шароитининг турли даражада шўрланганлиги, ўртача унумдорлиги, сизот сувининг сатҳи нисбатан юзадалиги (1,5-6,0 м), қатор туманларда жануби-шарқ томондан мавсумий кучли (17-24 м/с) шамолнинг эсиб туриши, ёзги ҳаво ҳароратининг юқорилиги ($37-44^{\circ}\text{C}$) маълум. Бундан келиб чиқиб, мевали боғлар яратишида шароитга мос баравж ўсиб, узоқ яшовчи юқори ва сифатли ҳосил берувчи мевали дараҳт тур ва навларини танлаш устида Гулистон давлат университети профессор-ўқитувчилари ва тадқиқодчилари академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ва унинг Самарқанд илмий-тажриба станцияси ҳамда Тошкент давлат аграр университети, Ўзбекистон миллий университети, Тошкент ирригация ва мелиорация институти ва Сирдарё вилоятидаги катта тажрибали қишлоқ хўжалик ходимлари билан ҳамкорликда тадқиқот ҳамда кузатиш ишлари олиб борилиб илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган кўплаб натижалар олинмоқда.

Тадқиқот ва кузатишлардан маълум бўлдики, Сирдарё вилоятидаги фермер хўжаликлари ва аҳоли томорқаларида яратилган мевали боғларнинг аксарият кўп қисми асосланган тавсияларга амал қилинмай барпо этилганлиги туфайли боғларнинг сифат ва самарадорлиги жуда паст.

Услублар ва материаллар. Боғдорчиликни оқилона, мақсадли ташкил этиш юзасидан олиб борилган изланишлар вилоятнинг Ховос, Мирзаобод ва Боёвут туманлари фермер хўжаликларида ўтказилди.

Бунда тадқиқот ишлари мевали дараҳтларнинг морфологик ҳолати, касаллик ва зааркунандалар билан шикастланиш даражаси, ҳосилдорлиги, мевасининг сифати каби мезонларни ўрганишга йўналтирилди. Тадқиқотларнинг асосий мақсади Мирзачўлнинг табиий иқлим шароитида яхши ривожланувчи мевали дараҳт ва ток навларини танлашдан иборат. Тадқиқотлар Сирдарё вилоятининг Ховос тумани пахтакор сув истеъмолчилари уюшмасига қарашли “Сайхун” фермер хўжалигида умумий майдони 2 га бўлган 2000 йилда яратилган мевали боғда ўтказилди.

Боғ жойлашган ҳудуднинг тупроқ-иқлим тавсифи: тупроғи оч тусли бўз тупроқ, шўрланиш даражаси ва унумдорлиги ўртача, сизот сувининг сатҳи ер сатҳидан 2,8-4,0 м чуқурликда, жанубий-шарқ томондан мавсумий

эсувчи кучли шамол оқими йўлида жойлашган, ирригация тизимлари талаб даражасида, сугориш суви билан яхши таъминланган. Ёзнинг жазирама иссиқ кунлари 37-43 кун атрофига давом этиб, максимал ҳаво ҳарорати 38-44°C ни ташкил этади, қиши ўртача дараҳтлар ўсув даврининг давомийлиги 225-240 кун. Шунингдек, мевали боғлар ҳолатини ўрганиш ва кузатишлар вилоятнинг Боёвут туманидаги “Тараққиёт”, Мирзаобод туманидаги “Баҳористон” сув истемолчилари уюшмасига қарашли фермер хўжаликлари боғларида данакли ва уруғ мевали дараҳтлар вакиллари устида олиб борилди. Тажриба олиб бориладиган майдонда ўрганилаётган тур ва навга тааллуқли 10 та дан модул дараҳтлар танланди. Танланган модул дараҳтлар умумий қабул қилинган синовлар ўтказиш услуби бўйича ўрганилди. Ўрганилётган модул дараҳтлар рақамланган ёрлиқлар билан белгилаб қўйилди. Мевали дараҳтларнинг экин майдонидаги асосий жойлашув ўрни: қатор орасининг кенглиги, қатордаги дараҳтлар орасидаги масофа шкалали рулеткада 10 см дан ошмаган аниқликда ўлчанди. Бунинг учун синов ўтказилаётган умумий боғ майдонидан оралиғи бир хил масофада учта жой танланди. Мевали дараҳтларнинг ер устки органларининг жойлашув ҳолати танланган модул дараҳтларда ўлчанди. Скелет она шоҳларнинг жойлашган ўрни оралиғидаги масофалар ва шоҳларнинг узунлиги энг пастки она шоҳдан бошлаб 10 мм аниқликда ўлчаниб ўрганилди. Скелет шоҳларнинг дараҳт танаси ўқига нисбатан оғиши бурчаги 5° аниқликда бурчак ўлчагич ёрдамида аниқланди. Дараҳт шоҳ-ларида ҳосилнинг фазовий жойлашуви фоиз нисбатида горизонтал яруслар ва сферик кенгликлар бўйича аниқланди. Горизонтал яруслар сони дараҳтнинг фазовий ҳажмидан келиб чиқиб: биринчи ярус 1,0-1,7 м; иккинчи ярус 1,7-3,0 м; учинчи ярус 3-4 м бўлиб, агарда дараҳтнинг баландлиги юқори бўлса, кейинги яруслар оралиғи 1 м дан қилиб белгиланди.

Ҳосилни йиғиширишда яруслар чегараси баландлик бўйича ярус ўлчамлари белгиланган рейка ёрдамида аниқланди. Меваларни териб олиш ҳар бир ярус бўйича кетма-кетликда биринчи ярусадан бошлаб охирги ярусгacha алоҳида-алоҳида териб олинди. Ҳар бир ярусадан териб олинган мева ҳосили яруслар бўйича вазни алоҳида ўлчанди.

Тадқиқот натижалари. Жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш билан Мирзачўл воҳасининг ўзига хос табиий-иқлим шароитида парваришиланаётган боғлардаги мевали дараҳтларнинг ҳосил бериш даражаси хусусида боғдорчиликни тўғри ташкил этиш юзасидан аҳамиятли илмий-амалий натижаларга эга бўлади.

Яруслар бўйича меванинг тақсимланиши

Синов ўтказилган сана	Мевали дараҳт тури	Нави	Ёли	Яруслар бўйича ҳосил микдорининг тақсимланиши						Дараҳтдаги умумий ҳосил, кг	
				1		2		3			
				кг	%	кг	%	Кг	%		
16.09.2016	Олма	Ренет Симиренко	16	25	35	39	55	7	10	71	
9.07.2016	Олма	Оқ налив	16	43	28	79	49	37	23	159	
26.08.2016	Олма	Старкримсон	16	0	0	0,7	100	0	0	0,7	
6.09.2016	Олма	Олтин граймо	16	21	20	53	49	33	31	107	
10.09.2016	Олма	Розмарин	16	0	0	0,4	100	0	0	0,4	
3.10.2016	Нок	Кулала	16	9	19,5	16	34,5	21	46	46	
3.10.2016	Нок	Дилафруз	16	0	0	0,6	75	0,2	25	0,8	
3.10.2016	Нок	Қишки Нашвати	16	17	19,5	33	38	37	42	87	
8.07.2016	Олча	Тоғ олча	16	9	15,5	29	49	21	35,5	59	
8.07.2016	Олхўри	Ёз	16	26	36	37	51,5	9	12,5	72	
2.10.2016	Олхўри	Қора олхўри	16	3	10	21	70	6	20	30	
29.10.2016	Хурмо	Денов	16	12	26,7	29	64,3	4	9	45	
29.10.2016	Хурмо	Зенжи маару	16	14	22	43	67	7	11	64	
29.10.2016	Хурмо	Тамопан	16	18	18	59	59	23	23	100	
6.10.2016	Беҳи	Нон беҳи	16	16	42	22	58	0	0	38	
6.10.2016	Беҳи	Янгийўл	16	29	45	33	52	2	3	64	

Хулоса, таклиф ва тавсиялар. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўрганилган олма навларидан: Ренет Симиренко (71 кг), Оқ налив (159 кг), Олтин граймо (107 кг); нок навларидан: Қишки нашвати (87 кг), Кулала (46 кг); олхўри навларидан: Ёз (72 кг), Қора олхўри (30 кг); хурмонинг: Денов (45 кг), Тамопан (100 кг), Зенжи-мару (64 кг) навларидан олинган ҳосил микдоридан уларни экиб кўпайтиришга тавсия этиш мумкин. Уч йил давомида олиб борилган тадқиқотлардан олманинг Старкримсон, Розмарин; нокнинг: Дилафруз навларидан олинган ҳосил микдори йўқ даражада эканлиги кузатилди. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки келтирилган навлар тупроқ, иқлим шароитга юқори талабчан бўлиб, нисбатан салқин, унумдор тупроқли тоғ олди ерларда юқори самара бериши Жиззах вилоятининг Янгиобод, Зомин, Бахмал туманларида ўрганилди. Ҳозирда Мирзачўлда мевали боғлар яратишни илмий асосда тўғри ташкил этиш йўлида Гулистон давлат университети профессор-ўқитувчилари ва тадқиқотчилари академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда ўрик, шафтоли, жийда олча, анжир ва анор навлари устида изланишлар олиб борилмоқда. Олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўладики, Сирдарё вилоятида шароитга мос танланган мевали дараҳтлар тур ва навларидан яратилган, айниқса, олхўри,

олма, анор, анжир боғларидан етиштирилган ҳосил билан ишловчи қайта ишлаш корхоналарини ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуганиев А. Қишлоқ хўжалик ерларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиши истиқболлари. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2013. - № 7.
2. Бўриев Ҳ.Ч. Ҳаваскор боғбонларга қўлланма. – Тошкент, 1987.
3. Дала тажрибаларини ўтказиш методикаси. – Тошкент, 2004.
4. Мирзаев М.М., Собиров М.Қ. Богдорчилик. – Тошкент, 1987.
5. Мирзаев М.М., Собиров М.Қ. Ўзбекистонда боғдорчилик. – Тошкент, 1980.
6. Остонақулов Т.Е., Нарзиева С.Х., Гуломов Б.Х. Мевачилик асослари. – Тошкент, 2011.
7. Рыбаков А.А., Остроухова С.А. Ўзбекистон мевачилиги. – Тошкент, 1981.
8. Ўзбекистон помологияси (М.М. Мирзаев раҳбарлигида рус тилида тайёрланган). – Тошкент, 1983
9. Ўзбекистонда мева экинлари етиштиришига оид тавсиялар. – Тошкент, 1996.

Аннотация

МИРЗАЧЎЛ ТУПРОҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТИДА МЕВАЛИ БОҒЛАР ЯРАТИШДА НАВЛАР ТАНЛАШНИ ӰРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ

М.А.Тўракулов, С.Я.Исломов, Ф.М. Хўжақулов

Мақолада Мирзачўл воҳаси боғдорчилигининг бугунги аҳволи, ундаги ютуқ ва муаммолар, табиий тупроқ-иқлим шароити, мевали дарахт навларининг ҳосилдорлиги устида олиб борилган тадқиқот ишлари ва кузатишила рнатижаларига асосланган ечимлар ва тавсиялар. Ҳозирги кунда ҳамкорликда Сирдарё вилояти тупроқ-иқлим шароитида самарали мевали боғларни ташкил этиши ва етиштирилган мева маҳсулотларига асосланган қайта ишлаш корхоналарини бунёд этиши, имконяtlари хусусида фикрлар юритилган. Тадқиқотлардан олинган натижаларни келтириши билан бирга мазкур йўналишдаги олиб борилаётган давомли илмий изланишларнинг мақсад ва йўналиши айтиб ўтилган.

Аннотация

РЕЗУЛЬТАТЫ ИЗУЧЕНИЯ ВЫБОР СОРТОВ ПРИ СОЗДАНИЕ

ФРУКТОВЫХ САДОВ В ПОЧВЕННО-КЛИМАТИЧЕСКИХ УСЛОВИЯХ ГОЛОДНОЙ СТЕПИ

М.А.Туракулов, С.Я.Исломов, Ф.М. Хужакулов

В статье приведены решение и предложение на обоснованное результатате научное изискание и наблюдение по изучению состояния садоводства в Голодной степе связи почвенно-климатическими условиями. Выбор перспективных видов и сортов подовых культур хорошою районированние в засолёных почвах и своеобразных метриологических условиях. А также возможности переработки выращиваемых плодовых продукции в Голодной степе.

Ключевые слова: Голодной степь, почва, фрукты, сорт дерев, засолённый, урожай, садоводства, виноградарства, почвенно-климатических, переработка.

Summary

THE RESULTS OF INVESTIGATION OF POSSIBBILITY OF FRUIT GARDENS CREATION IN HUNGER STEEPE

M.A.Turakulov, S.Ya.Islamav, F.M.Xudjakulov

The article proposes some decisions mode on the basis of scientific research and observations, on the state of gardening sistem in Golodnaya Steppe according to soil and climate conditions. The choice of perspective species and kinds of orchard plants and proper placement on salted soils basing on metrological data, possibilities to produse and reproduce orchard plants in the conditions of steppe, are also analyzed in the article.

Key words: Hunger Steppe, soil, fruits, kinds of trees, salted, harvest, orchard, wine-growing, soil climate, reproduction.